



**XALQ BANKI**

**Годовой отчет  
—— 2015 ——  
Йиллик ҳисоботи**

## Содержание / Мундарижа

<b>1. Обращение Председателя Правления АК Народного банка Республики Узбекистан</b> Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки Бошқаруви Раисининг Мурожаати	<b>2</b>
<b>2. Информация о банке</b> Банк ҳақида маълумот	<b>6</b>
<b>3. Стратегия развития банка</b> Банкнинг ривожланиш стратегияси	<b>11</b>
<b>4. Банк фаолиятининг 2015 йилдаги асосий яқунлари</b> Основные итоги деятельности банка в 2015 году	<b>13</b>
<b>5. Розничные услуги банка</b> Чакана банк хизматлари	<b>20</b>
<b>6. Кредитная политика</b> Кредит сиёсати	<b>26</b>
<b>7. Инвестиционная деятельность</b> Инвестиция фаолияти	<b>31</b>
<b>8. Кадровая политика</b> Кадрлар сиёсати	<b>34</b>
<b>9. Аудиторское заключение</b> Аудиторлик хулосаси	<b>36</b>

## ОБРАЩЕНИЕ

### Председателя Правления акционерного коммерческого Народного банка Республики Узбекистан

Уважаемые акционеры, клиенты и партнеры!

Подводя итоги проделанной работы в отчетном периоде, представляем Вам информацию о достигнутых нашим банком в 2015 году рубежах по основным направлениям деятельности.

Повышение уровня капитализации банка, формирование достаточности общего капитала и обеспечение его постоянного роста, укрепление долгосрочной базы и в 2015 году продолжали оставаться главнейшими задачами банка.

Для финансовой устойчивости, дальнейшего увеличения ресурсной базы по сравнению с прошлым годом обеспечен заметный рост объема савокупного капитала.

Также внесен достойный вклад в реализацию программ по развитию отраслей экономики и созданию современной рыночной инфраструктуры в регионах.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О накопительном пенсионном обеспечении граждан» от 2 декабря 2004 года Народный банк занимается оприходованием средств на личные счета граждан и ведением их учета.

Направляя средства поступивших из системы накопительных пенсий на финансировании проектов предприятий реальной экономики достигается создание новых рабочих мест.

Ярким доказательством этого является то, что банк занимает одно из ведущих мест по объему инвестиций.

Осуществлены ряд эффективных мер по компьютеризации и развитию информационно-коммуникативных технологий. Что позволяет внедрение новых видов интерактивных услуг.

Внедрены отвечающая требованиям времени новая программа интегральной автоматизированной банковской системы (iABS) а также услуга SMS оповещения для участников накопительной пенсионной системы.

Во всех учреждениях нашего банка внедряется система онлайн приёма коммунальных и других платежей от населения.

В целях защиты сбережений вкладчиков и создании дополнительных удобств для клиентов, ведутся работы по внедрении системы при котором каждое получение или сдача определённой суммы осуществляется снятием следов пальцев.

Мы всегда готовы оказать современные качественные банковские услуги нашим клиентам.

В отчетном году в рамках поставленных перед нами задач осуществлены крупные капиталовложения для организации производства на предприятиях, обеспечения их оборотными средствами, выпуска новых видов продукции, внедрения современных методов менеджмента, создания новых рабочих мест.

По итогам прошедшей в марте 2015 года национальной выставки «BankExpo» - технологий, инструментов и услуг банковской деятельности наш банк стал победителем в номинации «Лучший банк, поддерживающий семейное предпринимательство». Это есть свидетельство того, что в отчетном периоде мы достигли заметных успехов в деле поддержки субъектов малого бизнеса и предпринимательства.

Были эффективно задействованы все возможности для сохранения статуса лидера среди коммерческих банков по оказанию клиентам розничных услуг.

В 2015 году минибанк «Халқобод» Джиззакского филиала Народного банка по итогам конкурса по привлечению свободных денежных средств населения на депозиты завоевал второе место в номинации «Лучший минибанк года по привлечению депозитов населения в

сельской местности», 1-я сберегательная касса Алтынсайского филиала Сурхандарьинской области заняла третье место в номинации «Лучшая сберегательная/специализированная касса в сельской местности».

Целевые инвестиции в базовые отрасли, в том числе топливно-энергетический комплекс создают возможности внедрения высоких технологий в производство, техническое и технологическое перевооружение отраслей, расширения работ по модернизации.

Наше учреждение в отчетном году внесло достойный вклад в дело финансовой поддержки и стимулирования малого бизнеса и частного предпринимательства, развития сферы услуг – важнейших условий обеспечения занятости и дальнейшего повышения благосостояния населения.

Особое внимание уделено выдаче кредитов на льготной основе выпускникам колледжей, женщинам-предпринимателям, начинающим и развивающим свое дело.

Испытанные временем высокое доверие, гибкая система управления, умение оперативно находить решения создают реальные предпосылки для улучшения из года в год финансовых показателей банка.

В отчетном году авторитетное международное рейтинговое агентство «Standard&Poog`s» утвердило международный кредитный рейтинг Народного банка «В/В» с прогнозом «Стабильный».

Также рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting» присудило нашему банку рейтинговую оценку «uzA» с прогнозом «Стабильный». Все это свидетельствует о достойном компетентном признании итогов работы в отчетном периоде.

В 2016-м году, объявленном руководством страны «Годом здорового ребенка и матери», с целью дальнейшего развития нашего банка мы поставили перед собой цель реализовать ряд новых задач.

В частности, содействие в дальнейшем углублении структурных реформ в экономике, проведение активной инвестиционной политики, направленной на реализацию проектов, связанных с приоритетными направлениями государственных экономических программ, имеющих стратегическое значение, финансовая поддержка субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, развитие информационно-коммуникационных систем – вот наши приоритеты в 2016 году.

Мы твердо уверены в том, что наши достижения и реализация задач 2016 года станут надежной основой для дальнейшего развития банка, а также новых успехов наших клиентов.

Хотелось бы выразить искреннюю признательность всем акционерам, клиентам и партнерам за доверие нашему банку и всестороннюю поддержку.

Мы несколько не сомневаемся в том, что накопленные возможности и сформированный огромный потенциал Народного банка и впредь будут направлены на укрепление взаимоотношений банка и его клиентов, откроют широкие перспективы для сотрудничества в будущем.

**С уважением,  
Председатель Правления  
А. Абдуллаев**

## Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раисининг МУРОЖААТИ

Хурматли акциядорлар, мижозлар ва ҳамкорлар!

Ҳисобот йилида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Сизга 2015 йилда асосий йўналишлар бўйича банкимиз томонидан эришилган натижаларни ҳавола этамиз.

Банкнинг капиталлашув даражасини ошириш мақсадида, банкнинг умумий капиталини етарлича шакллантириш ва ўсиб боришини таъминлаш, узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш - 2015 йилда ҳам банкнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ресурс базасини янада ошириш мақсадида, умумий капитал ўтган йилга нисбатан сезиларли равишда ортди.

Шу билан бирга, дастурлар асосида ҳудудларда иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ҳамда замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этиш ишларига муносиб ҳисса қўшилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига асосан Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларига маблағларни кирим қилиниши ва ҳисобини юритиш билан шуғулланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳисобидан тушган маблағларни иқтисодийнинг реал сектори корхоналари лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш орқали янги иш ўринлари яратишга эришилмоқда.

Банк томонидан йўналтирилган инвестициялар бўйича мамлакатимиз банклари ўртасида юқори ўринларда бораётганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Банк томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилди. Бу эса янги интерактив хизмат турларини жорий этилишига замин яратмоқда.

Замон талабига жавоб берадиган янги интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими (iABS) дастури ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизими таъминоти иштирокчилари учун SMS хабарнома хизмати жорий этилди.

Банкимизнинг барча муассасалари орқали аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни он-лайн тарзда қабул қилиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Омонатчилар маблағларини ҳимоя қилиш ва мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир омонатчи ўз пулларини қўйганда ва олганда бармоқ изини қўйиб амалга ошириши амалиётга жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Биз мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун доимо тайёرمиз.

Ҳисобот йилида ўз олдимизга қўйган устувор вазифаларимиз доирасида корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уларни айланма маблағлар билан таъминлаш, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилиш ва янги иш ўринларини яратиш учун сармоялар киритилди.

2015 йил март ойида ўтказилган "Bank Expo" банк фаолияти технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси якунларига кўра "Оилавий тадбиркорликни қўллаб қувватловчи энг яхши банк" номинациясини қўлга киритилиши банкимизнинг ҳисобот йилида кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш бўйича сезиларли ютуқларга эришганидан далолат беради.

Республикадаги тижорат банклари орасида чакана хизматлар соҳасидаги етакчилик мавқеини сақлаб қолиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланишга эришилди.

2015 йилда аҳоли омонатларини банкка жалб қилиш бўйича ўтказилган танлов якунларига кўра, Жиззах вилояти Амалиёт бўлимнинг “Халқобод” минибанки “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши минибанки” номинациясида иккинчи ўринни, Сурхондарё вилояти Олтинсой филиалининг 1-сонли жамғарма кассаси “Қишлоқ жойларда энг яхши жамғарма/махсус касса” номинациясида учинчи ўринни эгаллади.

Давлатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатида банкнинг 197 та филиаллари томонидан нафақахўрларига ўз вақтида кам таъминланган, ёшга доир пенсия нафақаларини ўз вақтида тарқатилиб ва берилиши билан ҳиссасини кўшмоқда.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ишларига банкимиз ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган коллеж битирувчиларига, фаолиятини энди йўлга қўяётган ва кенгайтираётган тадбиркор аёлларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Вақт давомида синалган ишонч, маҳоратли бошқарув тизими, тезкор равишда ечимлар топиш - банкнинг молиявий натижаларини йилдан-йилга яхшилаш учун имконият яратмоқда.

Ҳисобот йилида нуфузли "Standard & Poog's" халқаро рейтинг агентлиги Халқ банкининг халқаро кредит рейтингини "Барқарор" прогнози билан "В/В" даражада тасдиқлади.

Шу билан бирга, “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан банкимизга миллий шкала бўйича "Барқарор" прогнози билан "uzA" даражасида рейтинг берилиши ҳам ҳисобот йилидаги фаолиятимиз якунларини яна бир бор эътироф этилганлигини кўрсатди.

Республикамиз Ҳукумати томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган 2016 йилда банкимизни янада ривожлантириш учун биз бир қатор янги вазифаларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Хусусан, иқтисодиётда таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодий дастурининг устувор йўналишларини, стратегик аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестиция сиёсати юритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш - 2016 йилдаги энг муҳим вазифаларимиз бўлади.

Эришган ютуқларимиз ва 2016 йил учун режалаштирган ишларимиз Банкнинг ва мижозларимизнинг келгусида янада муваффақиятли ривожланиши учун хизмат қилишига ишонамиз.

Акциядорларга, мижозларимизга ва ҳамкорларимизга банкимизни қўллаб-қувватлагани ва билдирган ишончи учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ишончимиз комилки, банкда тўпланган барча имконият ва салоҳиятлар энг муҳим бўлган мижозлар билан алоқани мустаҳкамлашга йўналтирилади ва бизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз келгусида ҳам муваффақиятли давом этишига кенг йул очади.

**Хурмат билан,  
Бошқарув Раиси  
А. Абдуллаев**

# Информация о банке

Филиальная сеть / Филиаллар тармоғи



## Банк ҳақида маълумот

## ИНФОРМАЦИЯ О БАНКЕ / БАНК ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

**Полное фирменное название:** Акционерный коммерческий Народный банк Республики Узбекистан.

**О банке:** Акционерный коммерческий Народный банк Республики Узбекистан - один из старейших банков страны. Первая сберегательная касса была открыта 1875 году. До 1995 года банк функционировал как филиал Сбербанка СССР. В соответствии с Постановлением Правительства от 4 октября 1995 года «Узсбербанк» был преобразован в Государственно-коммерческий «Народный банк». В 2015 году сменил фирменное наименование на Акционерный коммерческий Народный банк Республики Узбекистан. В наши дни, благодаря поддержке Правительства, направленной на его развитие, «Народный банк» увеличил потенциал своей значимости.

После обретения Узбекистаном независимости «Народный банк» выступил финансовым агентом Правительства в процессе проведения реформ в денежно-кредитной сфере экономики страны, с честью решая поставленные перед ним ответственные задачи. Банк приложил все усилия для стабилизации своего потенциала повышения доверия к нему населения, укреплению своего места и своей роли на отечественном рынке банковских услуг.

На сегодняшний день Народный банк является одним из крупнейших звеньев банковской системы Узбекистана. Его 197 территориальными и районными (городскими) филиалами, 28 мини-банками и более 1200 сберегательными и специальными кассами оказываются различные банковские услуги субъектам реального сектора экономики - предприятиям малого бизнеса и населению республики.

Одно из главных предназначений «Народного банка», оправдывающее его название Народного банка, - своевременное обеспечение пенсиями пожилых граждан Узбекистана. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О накопительном пенсионном обеспечении граждан» дополнительно к действующему государственному пенсионному обеспечению граждан налажена система учета накопительного пенсионного обеспечения. «Народный банк» сделал многое для того, чтобы сегодня была создана единая, достаточно защищенная и соединяющая все его филиалы электронная база, которая позволяет осуществлять обмен информацией.

Коллектив Народного банка постоянно ставит перед собой все новые задачи и новые стратегические цели. В настоящий момент это выход на качественно новый уровень обслуживания клиентов, достижение позиции конкурентоспособного крупнейшего банка республики, обеспечение инвестиционной привлекательности и выход на лидирующие позиции по ряду показателей на рынке финансовых услуг за счет модернизации управленческих и технологических процессов.

### **Акционеры банка:**

Министерство финансов Республики Узбекистан (51%);  
Центральный банк Республики Узбекистан (49%).

### **Рейтинги банка:**

«Standard & Poor's» подтвердило долгосрочный и краткосрочные рейтинги на уровне В/В с прогнозом «Стабильный»;

«Ahbor-Reyting» подтвердило рейтинг банка по национальной шкале «uzA» с прогнозом «Стабильный».

### **Лицензии:**

Лицензия на осуществление банковских операций №000172, выданная Центральным банком Республики Узбекистан 25 июля 2015 года;

Генеральная лицензия №000087 на осуществление операций в иностранной валюте, выданная Центральным банком Республики Узбекистан 25 июля 2015 года.

## **Тўлиқ расмий номланиши:** Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки.

**Банк ҳақида:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Ўзбекистоннинг қадимий банкларидан бири ҳисобланади. Тошкентда бирламчи жамғарма кассалар 1875 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1995 йил 4 октябрдаги қарорига асосан «Ўзжамғармабанк» Давлат-тижорат Халқ банки этиб қайта ташкил этилди. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки номи, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкига ўзгартирилди. Айти пайтда, Ҳукуматнинг доимий равишда қўллаб қувватлаши туфайли Халқ банкининг салоҳияти янада ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Халқ банки мамлакат иқтисодиётининг пул-кредит соҳасидаги ислохотлар жараёнида Ҳукуматнинг молия агенти сифатида фаолият олиб бориб, зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларни доимий равишда адо этиб келмоқда. Банк ўз салоҳиятини барқарорлаштириш, аҳолининг ишончини қозониш, мамлакат банк хизматлари бозоридаги ўз мавқеи ва ролини мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этмоқда.

Бугунги кунда, Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг 197 ҳудудий ва туман (шаҳар) филиаллари, 28 та мини-банк ва 1 200 дан ортиқ жамғарма ва махсус кассалари иқтисодиётнинг реал секторига - кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Халқ банкининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг кекса фуқароларини нафақалар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига қўшимча тариқасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими йўлга қўйилган. Халқ банки ягона, ўз филиалларини бир-бири билан боғловчи ва етарлича ҳимояловчи электрон база яратиш учун кўп ишларни амалга оширди.

Халқ банки жамоаси доимий равишда ўз олдига янги стратегик мақсад ва вазифаларни қўйиб келади. Айти пайтда мазкур қадам мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқишга, рақобатбардош позицияга эришишга, инвестицион жозибадорликни таъминлашга, бошқарув ва технологик жараёнларни модернизациялаш ҳисобига молия хизматлар бозорида қатор кўрсаткичлар бўйича пешқадам позицияни эгаллашга хизмат қилмоқда.

### **Банк акциядорлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51%);  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49%).

### **Банкнинг рейтинглари:**

«Standard & Poor's» узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтингини В/В даражасида «Барқарор» прогнози билан тасдиқлади;

«Ahbor-Reyting» банкнинг рейтингини миллий шкала бўйича «uzA» даражасида «Барқарор» прогнози билан тасдиқлади.

### **Лицензиялар:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 2015 йил 25 июлдаги 000172-сонли лицензияси;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валюталарда амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 2015 йил 25 июлдаги 000087-сонли Бош лицензияси.

## Совет Народного банка Халқ банки Кенгаши

### Председатель Совета / Кенгаш Раиси

**Азимов Рустам Садыкович -**

Первый заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, Министр финансов  
Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон  
Республикаси Молия вазири

### Члены совета / Кенгаш аъзолари:

**Мустафоев Улугбек Мавлонович -**

Первый заместитель Председателя Центрального банка Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари

**Эгамбердиев Хамидулла Фатхуллаевич -**

Первый заместитель директора департамента Кабинета Министров Республики  
Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси департамент мудири биринчи ўринбосари

**Гуськова Татьяна Николаевна -**

Первый заместитель министра финансов Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари

**Ходжаев Батыр Асадиллаевич -**

Первый заместитель министра экономики Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари

**Файзуллаев Шокир Насибуллаевич -**

Заместитель министра экономики Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари

**Туляганов Шавкат Обиджонович -**

Заместитель министра Внешних экономических связей, инвестиций и торговли  
Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири  
ўринбосари

**Гулямов Равшан Аюбович -**

Исполнительный директор Фонда Реконструкции и Развития Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори

**Султанов Дилшод Шухратович -**

Исполнительный директор Внебюджетного пенсионного фонда Республики Узбекистан  
Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижрочи директори

## Правление Народного банка Халқ банки Бошқаруви

- 1. Абдуллаев Абдурасул Неъматович** -  
Председатель Правления  
Бошқарув Раиси
- 2. Нормухамедов Сардор Рифатович** -  
Первый заместитель Председателя Правления  
Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари
- 3. Аннакличев Сахи Сапармухамедович** -  
Заместитель Председателя Правления  
Бошқарув Раиси ўринбосари
- 4. Атабаев Шухрат Халдарович** -  
Заместитель Председателя Правления  
Бошқарув Раиси ўринбосари
- 5. Рашидов Абдухалил Абдурахимович** -  
Директор департамента бухгалтерского учета и отчетности  
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори
- 6. Тошматов Нуриддин Зубайдуллаевич** -  
Начальник юридического управления  
Юридик бошқарма бошлиғи

# Стратегия развития банка



## Банкнинг ривожланиш стратегияси

## СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ БАНКА БАНКНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

В целях определения задач на следующие 5 лет, банком была разработана Стратегия развития на 2011 - 2015 гг., предусматривающая основные задачи и цели, для реализации которых будут приложены все необходимые усилия.

Основными направлениями стратегии определены:

- Дальнейшее совершенствование организационной структуры, системы принятия решений и корпоративного управления;
- Совершенствование системы внутреннего контроля;
- Создание эффективной системы управления персоналом;
- Разработка и внедрение новых банковских продуктов и услуг, с учетом потребностей и возможностей клиентов;
- Развитие розничного и корпоративного бизнеса;
- Разработка эффективной информационной политики и стратегии бренда;
- Внедрение современных информационных технологий;
- Повышение уровня доходности и рентабельности.

Необходимо отметить, что при реализации основных задач, определенных стратегией, банк будет в полной мере пользоваться своим главным преимуществом на рынке банковско-финансовых услуг - самой широкой сетью учреждений. В течение предстоящих пяти лет планируется осуществить целый ряд комплексов мер, направленных на совершенствование учреждений. В частности, будет проанализирована их деятельность, по результатам чего будут приняты решения по совершенствованию рентабельных, и закрытию, либо передислокации нерентабельных учреждений.

Особое внимание будет уделено участию в государственных программах по кредитованию реального сектора экономики страны, в том числе по модернизации, техническому и технологическому перевооружению предприятий, поддержке субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Кейинги 5 йил учун вазифаларни белгилаш мақсадида, банк томонидан ишлаб чиқилган 2011-2015 йиллар учун ривожланиш Стратегиясида кўзда тутиладиган асосий вазифалар ва мақсадларни амалга ошириш учун барча керакли бўлган куч ва ҳаракатлар йўлга қўйилади.

Стратегиянинг асосий йўналишлари билан куйидагилар белгилаб берилган:

- Ташкилий тузилишини, қарор қабул қилиш тизими ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш;
- Ички назорат тизимини такомиллаштириш;
- Самарали ходимларни бошқариш тизимини яратиш;
- Мижозларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, янги банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- Чакана ва корпоратив бизнесни ривожлантириш;
- Самарали ахборот сиёсатини ва бренд стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш;
- Даромадлилик ва рентабеллик даражасини ошириш.

Шуни қайд этиш лозимки, стратегия билан белгиланган асосий вазифаларни ҳал этишда, банк ўзининг банк-молия хизматлари бозоридаги асосий устуворлигидан - энг кенг қамровли бўлинмалари тармоғидан тўлақонли фойдаланади. Келгуси беш йил давомида бўлинмаларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чораларнинг мажмуини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, уларнинг фаолияти таҳлил қилинади, ва унинг натижалари бўйича рентабелли бўлинмаларни такомиллаштириш ҳамда норентабелли бўлинмаларни ёпиш қарорлари қабул қилинади.

Давлат иқтисодиётининг реал соҳасини кредитлашга оид, шу жумладан корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларида иштирок этишга алоҳида эътибор берилади.

# Основные итоги деятельности банка в 2015 году



Банкнинг 2015 йилдаги  
фаолиятининг асосий  
яқунлари


## ОСНОВНЫЕ ИТОГИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКА В 2015 ГОДУ БАНКНИНГ 2015 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

На протяжении многих лет Народный банк демонстрирует пример успешного ведения банковского дела, внося весомый вклад в укрепление доверия к банковской системе со стороны вкладчиков, кредиторов и инвесторов, что является признаком стабильности и динамичного развития.

Халқ банки бир неча йиллар мобайнида муваффақиятли банк фаолиятини юритишда барчага намуна бўлиб, омонатчилар, кредиторлар ва сармоядорларни банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшиб келмоқда. Бу банкнинг барқарор ва бир маромда ривожланаётганлигининг белгисидир.

### Финансовые показатели деятельности банка Банк фаолиятини молиявий кўрсаткичлари


№	Показатели / Кўрсаткичлар	01.01.2015	01.01.2016	Темпы роста Ўсиш суръатлари	
1.	Активы / Активлар	2 986,9	3 585,0	598,1	20,0%
2.	Обязательства / Мажбуриятлар	2 637,5	3 130,1	492,6	18,7%
3.	Капитал / Капитал	349,5	455,0	105,5	30,2%
4.	Прибыль / Соф фойда	101,2	124,8	23,6	23,3%



Рост востребованности банковского обслуживания и ужесточение конкуренции между банками Узбекистана выразились в увеличении концентрации активов банка. Доля активов за отчетный год увеличилась на 598,1 млрд.сум или на 20,0 % и сложилась в размере 3 585,0 млрд.сум.

Банк хизматларига талабнинг ўсиши ва Ўзбекистон банклари орасида рақобатни кучайиб бориши банк активларни кескин ортишига сабаб бўлди. Ҳисобот йилида активлар ҳажми 20,0%га ёки 598,1 млрд.сўмга кўпайиб, 3 585,0 млрд.сўмга етди.

## Динамика увеличения активов за период 2011-2015 годы (млрд.сум) 2011-2015 йилларда активларни ўсиши (млрд.сўм)




### Увеличение капитала Капитални ортиши

Важной составляющей стратегии развития банка явилось стабильное увеличение капитала банка. Капитал банка по состоянию на 1 января 2016 года составили 455,0 млрд.сум или рост на 30,2% против 2014 года.

Банк капиталини бир маромда ошириб бориш - банкни ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил 1 январь ҳолатига банк капитални 455,0 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 30,2%га кўпайди.

**Динамика увеличения собственных средств  
за период 2011-2015 годы (млрд.сум)  
2011-2015 йилларда ўз маблағларини ўсиши (млрд.сўм)**



Основу собственных капитальных ресурсов банка составляет уставной капитал.

Уставный капитал банка сформирован в размере 254,0 млрд. сум.

Проведенные банком мероприятия по увеличению объема собственных ресурсов оказали позитивное влияние на увеличение объема средств, направленных в активы банка.

Банк капитал маблағларининг асосини устав капитали ташкил қилади.

Банк устав капитали 254,0 млрд.сўм миқдориди шакллантирилди.

Банк томонидан ўз маблағларини кўпайтириш борасида кўрилган чоралар активларга йуналтирилган ресурсларни ортишига ижобий таъсир қилди.

### Прибыль/Фойда

Из года в год увеличивается прибыль банка. Динамика роста прибыли за 5 предыдущих лет показывает стабильное ее увеличение с 37,4 млрд. сум за 2011 год до 124,8 млрд. сум в 2015 году.

Данный показатель в сравнении с 2014 годом увеличился на 23,3%.

Йилдан йилга Банк фойдаси ошиб бормоқда. Ўтган 5 йил давомида фойданинг ўсиш динамикасига назар соладиган бўлсак, 2011 йилдаги 37,4 млрд.сўм 2015 йилда 124,8 млрд.сўмга етганини кузатишимиз мумкин.

Мазкур кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 23,3 %га ошиши таъминланди.

## Динамика увеличения прибыли за период 2011-2015 годы (млрд.сум) 2011-2015 йилларда фойданинг ўсиши (млрд.сўм)



## Структура вложений банка (млрд.сум) Банк қўйилмаларнинг таркиби (млрд.сўм)

№	Показатели / Кўрсаткичлар	2014	2015
1.	Ссуды клиентам, чистые Мижозларга берилган ссудалар	1 609,3	1 878,4
2.	Средства в Центральном банке РУз Марказий банкдан олинадиган маблағлар	131,1	187,8
3.	Средства в других банках Бошқа банклардан олинадиган маблағлар	790,2	1 034,6
4.	Ценные бумаги и инвестиции, чистые Қимматли қозғалар ва инвестициялар	142,5	130,8
5.	Основные средства и нематериальные активы Асосий воситалар ва номмодий активлар	142,9	158,6
6.	Кассовая наличность / Кассадаги нақд пуллар	79,9	75,6
7.	Прочие активы / Бошқа активлар	91,0	119,2
<b>Итого / Жами</b>		<b>2 986,9</b>	<b>3 585,0</b>




В отчетном году уровень ликвидных активов был достаточно высок – 57,6 % в структуре активов, что позволило с запасом выполнить нормативные требования, установленные Центральным банком Республики Узбекистан по ликвидности 27,6 % (при норме 30 %) и поддерживать высокий уровень финансовой устойчивости.

Ҳисобот йилида активлар таркибидаги ликвидли активлар улушини ошириш натижасида жорий ликвидлик коэффициенти – 57,6 %ни ташкил қилиб, бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ликвидлик кўрсаткичи бўйича белгиланган меъёр 27,6 %га (меъёр 30%) ортиғи билан бажариш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

**Структура ресурсов банка (млрд.сум)  
Банк ресурсларнинг таркиби (млрд.сўм)**

№	Показатели / Кўрсаткичлар	2014	2015
1.	Депозиты до востребования / Талаб қилиб олингунча	475,6	712,8
2.	Сберегательные депозиты / Жамгарма депозитлар	1 339,8	1 661,1
3.	Срочные депозиты / Муддатли депозитлар	605,3	579,9
4.	К оплате в другие банки / Бошқа банкларга тўланадиган маблағлар	122,0	54,3
5.	Ссуды к оплате / Тўланадиган ссудалар	47,7	36,6
6.	Другие обязательства / Бошқа мажбуриятлар	47,0	85,3
	<b>Итого / Жами</b>	<b>2 637,4</b>	<b>3 130,1</b>



За истекший отчетный год общий объем обязательств увеличился на 492,7 млрд.сум и сложился в размере 3 130,1 млрд.сум.

В структуре обязательств банка доля средств юридических и физических лиц составила 2 953,8 млрд.сум, увеличившись за отчетный период на 533,1 млрд.сум.

Кроме этого, ресурсную базу Банка дополняли средства, привлеченные от кредитных организаций в сумме 36,6 млрд.сум (1,2%).

Ўтган ҳисобот йилида жами мажбуриятлар ҳажми 492,7 млрд.сўмга кўпайиб, 3 130,1 млрд.сўмга етди.

Мажбуриятлар таркибида хўжалик юритувчи субъектлари ва жисмоний шахслар маблағлари 2 953,8 млрд.сўмни ташкил қилиб, ҳисобот даврида 533,1 млрд.сўмга ўсди.

Бундан ташқари, кредит ташкилотларидан жалб қилинган 36,6 млрд.сўм (1,2 %) маблағлар ҳам ресурс базасини янада мустаҳкамлади.

# Розничный бизнес банка



Чакана банк  
хизматлари

## РОЗНИЧНЫЙ БИЗНЕС БАНКА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ

В 2015 году Народный банк особое внимание уделял качеству предоставления услуг клиентам-физическим лицам, в частности, оказывая услуги:

### **Открытие и ведение сберегательных счетов вкладчиков;**

Так в течение 2015 года было предложено 23 вида вкладов для физических в национальной валюте, в частности, “Эзгу мақсад”, “Эхтиром”, “Имконият” со сроком хранения от 1-го до 12-ти месяцев.

По состоянию на 1 января 2016 года объем вкладов населения в национальной и иностранной валюте составил 441,8 млрд.сум, увеличившись по сравнению с соответствующим периодом предыдущего года (368,5 млрд.сум) на 73,3 млрд.сум.


Халк банки томонидан 2015 йилда жисмоний шахс бўлган мижозларга алохида эътибор қаратилди. Жумладан, бунга куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилган ишларни келтириш мумкин:

### **Омонатчилар учун жамғарма ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш;**

2015 йил мобайнида аҳоли учун миллий валютада 23 турдаги жозибадор омонат турлари таклиф қилинди. Хусусан, саклаш муддати 1 ойдан 12 ойгача бўлган “Эзгу мақсад”, “Эхтиром”, “Имконият” омонатлари шулар жумдасидандир.

2016 йил 1 январь ҳолатига аҳолининг миллий ва хорижий валютадаги омонатлари 441,8 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йил бошига (368,5 млрд.сўм) нисбатан 73,3 млрд.сўмга ортди.

Показатели / Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015
Вклады населения / Аҳоли омонатлари	221,5	269,9	364,4	368,5	441,8
Средства ИНПС / ЖБПТ маблағлари	541,0	748,6	1 021,3	1 326,1	1 646,6



Основное внимание уделяется увеличению объема срочных и сберегательных вкладов населения, общий размер которых составил 128,5 млрд.сум.

Бунда асосий эътибор аҳолининг муддатли ва жамғарма омонатларини кўпайтиришга қаратилиб, уларнинг ҳажми 128,5 млрд.сўмга етказилди


### Денежные переводы / Пул ўтказмалари

